

**Тошкент темир йўл мухандислари институти**

**“Бухгалтерия ҳисоби ва аудит”кафедраси**

## **Битирув малакавий иш**

**Мавзу: « “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК даромадларининг  
бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили»**

**Бажарди:** БХА-28 гуруҳ талабаси Зокирова Х.Б

**Рахбар:** и.ф.н., катта ўқитувчи Джуманова А.Б

**Тошкент -2015**

Тошкент темир йўл муҳандислари институти

«Бухгалтерия ҳисоби ва аудит»  
кафедрасининг мажлисида  
Т А С Д И Қ Л А Н Г А Н  
кафедра мудирининг  
и.ф.н., доц. С.М. Султанова  
«\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2014 й.

«БАКАЛАВР» квалификацияси даражасини бериш учун  
тайёрланган битирув ишига

Т О П Ш И Р И Қ

Талаба: Зокирова Х.Б

Мавзу: «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УК даромадларининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлили»

1. Қўйилган мақсад.
- 1.1. Темир йўл транспорти корхонасида даромадлар таркиби, тузилмасини ўрганиш бўйича назарий билимларни ошириш;
- 1.2. Корхонада даромадларни бухгалтерия ҳисобини юритишни ўрганиш
- 1.3. Корхона даромадларини таҳлили асосида даромадларни ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.
2. Дастлабки маълумотлар:
- 2.1. Корхонанинг молиявий ҳисобот шакллари 2012-2014 йиллар учун.
- 2.2. Корхонанинг асосий ишлаб чиқариш кўрсаткичлари бўйича маълумотлар 2012-2014 йиллар учун.
- 2.3. Корхонанинг 69-шакли 2012-2014 йиллар учун
- 2.4. Корхона бўйича даромадларни ҳисобга олиш счетлар бўйича маълумотлар 2012-2014 йиллар учун
3. Иш мазмуни:
- 3.1. Тушунтириш варақаси.

| Бўлимлар номи                                                                    | Ҳажми<br>% | Бажар.<br>муддати |
|----------------------------------------------------------------------------------|------------|-------------------|
| Сўз боши.                                                                        | 5          | 15.01.2015        |
| <b>I Боб. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларининг таҳлили .</b>  | 35         | 15.02.2015        |
| 1.1. Корхонанинг асосий фаолияти тавсифи..                                       | 10         |                   |
| 1.2. Корхона даромадларининг таҳлили                                             | 20         |                   |
| <b>II Боб. Корхона фаолияти бўйича даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби</b>         | 30         | 15.03.2015        |
| 2.1. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби                                 | 15         |                   |
| 2.2. Бошқа операцион фаолиятдан ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби | 15         |                   |
| <b>III Боб Корхонанинг даромадларини ошириш йўллари</b>                          | 20         | 15.04.2015        |
| 3.1. Корхона даромад миқдори таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили           | 10         |                   |
| 3.2. Корхона даромадларини ошириш йўллари                                        | 10         |                   |
| Хулоса ва таклифлар                                                              | 5          | 15.05.2015        |
| Фойдаланилган адабиётлар рўйхати                                                 | 5          |                   |
| Битирув иши ҳимояси.                                                             |            | 15.06.2015        |

Тавсия этиладиган адабиётлар:

#### Тавсия этиладиган адабиётлар:

1. «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижалари ва 2015 йилги вазифалар тўғрисида» -Тошкент. 2015й.
2. «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТКнинг 2014 йилги иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш натижалари ва 2015 йилги вазифалар тўғрисида» -Т. Темирийўлчи. 2014 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлари Молия Вазирлиги ва Давлат Солиқ Қўмитаси - Тошкент. 2014 йил.
4. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси- Тошкент. 2014 йил.
5. «Маҳсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида» 54- сонли Низом. 1999 йил. 5 февраль
6. Красов А.П. «Бухгалтерский учет основной деятельности железных дорог»- М.Транспорт. 2008 й.
7. Гуломова Ф.Ғ. «Бухгалтерия ҳисобини мураккаб ўрганиш учун қўлланма»-Тошкент. 2010 й.
8. А.В. Вахобов. А.Т. Иброҳимов. Н.Ф. Ишонкулов «Молиявий ва бошқарув таҳлили» -- Тошкент. 2005й.
9. Н.И. Силаев. Ф.К.Абдуллаева «Анализ хозяйственной деятельности предприятий железнодорожного транспорта» -Ташкент. 2010 г.
10. Каримов А. Исмоилов Ф. Авлоқулов А. «Бухгалтерия ҳисоби» -Тошкент. 2004й.
11. И. Очилов. Ж. Қурбонбоев «Молиявий ҳисоб» - Тошкент.2004й.
12. М. Тўлаҳўжаева «Аудит» 1, 2 том. -Тошкент. 2008 й
13. Жўраев Н., Бобожонов О., Абдуваҳидов Ф., Сотiboldиева Д. Молиявий ва Бошқарув ҳисоби. Дарслик. -Тошкент. 2007 й .
14. Жўраев Н., Холбеков Р., Абдуваҳидов Ф., Илхомов И. Бухгалтерия ҳисоби. иқтисодий таҳлил ва аудит. Дарслик. -Тошкент.2007 й
15. Jo'rayev M.J., Abduvohidov F.T., Sotiboldiyeva D.A. Moliyaviy va boshqaruv hisob -T. Iqtisod-moliya darslik. 2010yil.

#### Интернет сайтлари:

stat.uz  
tashiit.uz  
ziyonet.uz  
soliq.uz  
lex.uz  
norma.uz  
realuais.uz

Битирув малакавий иш раҳбари  
Битирувчи

Джуманова А.Б.  
Зокирова Х.Б.

Тошпирикнинг берилган вақти  
Тошпирикнинг бажариш муддати

« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.  
« \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 201\_\_ й.

## Мундарижа

|                                                                   |           |
|-------------------------------------------------------------------|-----------|
| Кириш.....                                                        | 3         |
| <b>I-Боб. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий</b>               |           |
| <b>кўрсаткичларининг таҳлили.....</b>                             | <b>6</b>  |
| 1.1. Корхонанинг асосий фаолияти тавсифи.....                     | 6         |
| 1.2. Корхона даромадларининг таҳлили.....                         | 18        |
| <b>II-боб. Корхона фаолияти бўйича даромадларнинг бухгалтерия</b> |           |
| <b>ҳисоби.....</b>                                                | <b>27</b> |
| 2.1. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби.....             | 27        |
| 2.2. Бошқа операцион фаолиятидан ва молиявий фаолиятдан           |           |
| олинган даромадлар ҳисоби.....                                    | 31        |
| <b>III-Боб. Корхонанинг даромадларини ошириш йўллари .....</b>    | <b>34</b> |
| 3.1. Даромад миқдorigа таъсир қилувчи омиллар таҳлили.....        | 34        |
| 3.2. Корхона даромадларини ошириш йўллари.....                    | 39        |
| <b>Хулоса ва таклифлар.....</b>                                   | <b>41</b> |
| <b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати .....</b>                     | <b>43</b> |

## Кириш

Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда.

Ўзбекистон иқтисодиётига асосланган демократик давлат, фуқаролик жамияти қуриш, дунёдаги тараққий топган мамлакатлар қаторига кўтарилишдек олий мақсадни ўз олдимизга қўйиб шунга эришиш учун босқичма босқич чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Бугунги кунда 2014 йил якунлари бўйича мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 8,1 фоизга, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми – 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажми – 6,9 фоизга, капитал қурилиш ҳажми – 10,9 фоизга, чакана товар айланмаси ҳажми – 14,3 фоизга ўсиши, инфляция даражаси 6,1 фоизни ташкил этиши, 2014 йилда Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси 12 фоиздан 10 фоизгача пасайтирилиши, иқтисодиётга инвестиция қўйиш ҳажми 10,9 фоизга ўсиши ва эквивалентда 14,6 миллиард АҚШ долларини ташкил этиши буларнинг исботидир.

Темир йўлтранспорт инфратузилмасини тараққий эттириш саноатни жадал ривожлантириш ва унинг салоҳиятини оширишга хизмат қилмоқда. 2014 йил темир йўллар қуриш, реконструкция қилиш ва электрлаштириш, юк ва йўловчи ташийдиган темир йўл транспортини қайта тиклаш ва модернизация қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш мақсадида 630 миллион доллардан зиёд маблағ ўзлаштирилди.

Бу маблағнинг ярмидан кўпи Ангрен – Поп электрлаштирилган темир йўл линиясини барпо этиш лойиҳасини жадал суръатларда давом эттиришга йўналтирилди. Шу билан бирга, 240 километрлик темир йўл қайта тикланди, ўзимизда 650 та юк ва 20 та йўловчи ташиш вагонлари ишлаб чиқарилди<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup>“Ўзбекистон Президенти Ислам Каримовнинг мамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунларига 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси” 16 январ 2015 йил.

Бугунги кунда Ўзбекистон миллий иқтисодиётини темир йўл транспорти тармоғисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки, темир йўл транспорти орқали ўз манзилига етказилаётган йўловчилар учун қулай ва самарали шароитларни яратиш, ташилаётган юклар ҳажмини ошириш йўли билан мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда “ЎТЙ” ДАТКнинг ҳиссаси салмоқлидир.

Юртбошимизнинг 2012 йил 21-декабрдаги “2012-2015-йилларда транспорт ва коммуникацион қурилиш инфратузилмасини ривожлантириш тўғрисида”ги қарорида ҳам темир йўл транспорти тармоғига доир бир қатор устувор вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларнинг моҳияти “ЎТЙ” ДАТКнинг ижтимоий-иқтисодий фаолияти, инвестицион дастурларга киритилган лойиҳаларни амалга ошириш, қайта тиклаш, вагонларни модернизация қилиш, янги йўллар қуриш ҳамда мавжуд йўлларни қайта тиклаш, юк ва йўловчи ҳажмини ошириш, локомотив ва вагон паркларини янгилаш, амалдаги лойиҳаларни модернизациялаш бўйича ишларни давом эттириш, аҳолига сифатли хизмат кўрсатишни таъминлашдан иборат.

Юқорида келтирилган ислохатларни амалга оширилиши темир йўл транспорти даромадларини ошишига олиб келади.

Битирув малакавий ишининг ёзишдан асосий мақсад-“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК даромадларининг бухгалтерия ҳисоби ва таҳлилини ўрганиб, уларни ошириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Битирув малакавий ишининг асосий вазифалари - битирув ишининг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидагиларни бажариш белгиланади:

- Корхона ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларининг таҳлилини ўтказиш;
- Корхона фаолияти бўйича даромадлар бухгалтерия ҳисоби юритишни ўрганиш;
- Корхона даромадларига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва ошириш йўллари бўйича ишлаб чиқиш;

Битирув малакавий ишининг ўрганиш объекти бўлиб, -  
“Ўзтемирийўлмаштаъмир” УКси.

Битирув малакавий ишининг ўрганиш предмети - бозор иқтисодиёти шароитида фойда ва харажатларининг ҳуқуқий-меъёрий асослари, шунингдек, уларни таъсир этувчи омилларни таҳлили асосида, даромадларини ошириш йўллари аниқлаш.

Битирув малакавий ишининг ахборот манбалари ўрганилаётган корхонага тегишли бўлган қуйидаги ҳисоб ва ҳисобот маълумотлардан фойдаланилди:

-Ўзбекистон Республикасида тасдиқланган бухгалтерия юритиш бўйича меърий ҳужжатлар.

-даромадларни акс эттирувчи бирламчи ҳужжатлар;

-бухгалтерия ҳисоб регистрлари;

-корхона молиявий ҳисоботлари 2012- 2014 йиллар учун;

-бошқа молиявий , статистик ҳисобот шакллари.

Битирув малакавий ишининг таркибий тузилмаси, кириш, учта боб, ҳулоса ва таклифлардан иборат.

Кириш қисмида танланган мавзунинг номи, унинг долзарблиги, битирув малакавий ишининг тадқиқот объекти, мақсади, вазифалари ва ахборот манбалари акс эттирилган.

Биринчи боб - “Корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларининг таҳлили ” деб номланган бўлиб, унда корхонанинг асосий фаолияти тавсифи ва молиявий кўрсаткичлар таҳлили келтирилган.

Иккинчи боб – “Корхона фаолияти бўйича даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби” деб номланган бўлиб, асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби, бошқа операцион фаолиятидан ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби ёритилган.

Учинчи боб – “Корхонанинг даромадларини ошириш йўллари” тўғрисида бўлиб, унда корхона даромад миқдори таъсир этувчи омиллар ва уларнинг таҳлили, корхона даромадларини ошириш йўллари акс эттирилган.

Битирув малакавий ишининг сўнгида мавзу юзасидан асосий хулоса ва таклифлар берилган.



## **I-Боб. Корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий кўрсаткичларининг таҳлили**

### **1.1. Корхонанинг асосий фаолияти тавсифи**

Ўзбекистон республикаси Вазирлар маҳкамасининг 1993 йил 18 январдаги қарорида республика темир йўл транспортининг ҳаракадаги таркибини ва бошқа техникасини капитал таъмирлаш эҳтиёжларини янада тўлароқ таъминлаш, эҳтиёт қисмларни ишлаб чиқариш ва темир йўл транспортини улар билан таъминлаш мақсадида темир йўл транспортини таъмирлаш заводи “Ўзтемирйўлмаштаъмир” ишлаб чиқариш бирлашмаси ташкил этилган.

Унинг таркибига Тошкент тепловоз таъмирлаш заводи (бош корхона), “Андижон механика заводи”, “Қуюв - механика заводи” шубба корхоналари ва Юридик мақомсиз Самарқанд юк вагонларини таъмирлаш ва модернизациялаш филиаллари киради.

Корхона Ўзбекистон Республикаси амалдаги қонунларига кўра меҳнат жамоаси, компания олдида, давлат бюджети, ўзаро тузилган шартномалар бўйича, банк ва кредиторлар олдидаги мажбуриятлар бажарилиши ва ўз хўжалик фаолияти якунлари учун тўлиқ ва мустақил жавобгардир. Корхона мустақил ҳуқуқий шахс ҳисобланиб, Ўзбекистон Республикаси қонунлари бўйича ўз номидан шартномалар тузиш, мулкӣ ва шахсий мулдорлик бўлмаган ҳуқуқларга эга бўлиш, мажбуриятларни олиб бориш, судларда даъвоган ёки жавобгар бўлиш мустақил балансга эга бўлти, банкларда алоҳида мулк ва ҳисоб рақамларига (шу жумладан валюта ҳам) эга бўлиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга “Ўзтемирйўлмаштаъмир” корхонаси ўз номига, гербли муҳр, бурчакли тамғаси, ўз моли белгиси ҳамда давлат тилларида номи зикр этилган варақалар ва расмий ҳужжатларга эгадир.

Уставда корхонанинг пул муносабатларини - молиясини ташкил этишга бевосита таъсир киладиган қуйидаги асосий мақсадлари белгиланган:

- Ўзбекистон Республика темир йўл транспорти Марказий Осиё темир йўли таркибига кирувчи давлатлар темир йўл транспортлари эҳтиёжларини ўз вақтида ва тўлиқ кондириш, ҳаракатдаги таркиблар ва бошқа темир йўл техникасини капитал ва жорий таъмирлаш, қуриш модернизациялаш уларни захира қисмлари ва агрегатлар билан таъминлаш;

- Компания режасига таъсир кўрсатмай, бошқа темир йўлларнинг таъмири ва қурилиши, модернизациялаш, эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш бўйича буюртмаларини бажариш;

- Меҳнат унумдорлигини ошириш ва маҳсулот, иш, хизмат таннархини камайтириш асосида хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш;

- Ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш моддий-техник базасини комплекс ва режали ривожлантириш;

- Корхонани техник қайта жихозлаш, модернизациялаш ва реконструкция масалаларини ҳал қилиш;

- Ишлаб чиқариш рентабеллигини таъминлаш, асосий фонддан самарали ва рационал фойдаланиш;

- Атроф- муҳитни ифлосланиш ва захарли таъсирлардан муҳофаза қилиш;

- Техник воситалар, иншоотлар ва биноларнинг бузилмаслигини таъминлаш.

Белгиланган мақсадларни амалга ошириш мақсадида бирлашма қуйидаги хизматларни амалга оширади. Хусусан ишлаб чиқариш соҳасида:

- Тепловозлар, вагонлар, электровозлар ва бошқа темир йўл техникасини таъмирлаш, модернизациялаш ва хизмат муддатини узайтириш;

- Темир йўл вагонларини қуриш;

- Ҳаракатдаги темир йўл таркибларини капитал ва жорий таъмирланишини амалга ошириш учун захира қисмларини ишлаб чиқариш, ҳаракатдаги таркибларни модернизациялаш, темир йўлларни таъмирлаш;

- Янги техникалар ва ностандарт ускуналар тайёрлаш;

- Янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ташкил қилиш;

- Қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш;

- Юк кўтарувчи кранларни, қурилмаларни ва кран ости йўлларини таъмирлаш, йиғиш, созлаш;
- Юк кўтарувчи қурилмаларни ва унинг қисмларини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш;
- Бино ва иншоотларни тўлиқ таъмирлаш;
- Мехнат унумдорлигини ва ишлаб чиқариш рентабеллигини оширишга қаратилган тадбирларни ўтказиш;
- Ташқи иқтисодий фаолият, чет эл фирмалари ва чет элларда турли фаолият йўналишлари бўйича қўшма корхоналар тузиш.
- Аралаш ва акциядорлик жамиятларида, Ўзбекистон республикаси қонунчилигига кўра товар алмашиш ва бартер алмашувларида қўтнашиш;
- Ишлаб чиқаришга ихтиролар кашфиётларни татбиқ этилишини таъминлаш;
- Республикада экологик аҳволни яхшилашга ва муҳофаза қилишга қаратилган тадбирларга қатнашиш;
- Тижорат сирини ташкилэтувчи махфий хизмат маълумотларини ошкор қилмаслик бўйича зарур чораларни ўз вақтида ўтказиш, махфийлик тартибини таъминлаш;
- Мехнатни муҳофаза қилиш ва қулай иш шароитини Ўзбекистон Республикаси Мехнат кодекси, амалдаги қонунларга ва бошқа норматив – ҳуқуқий актларга асосан ташкил қилиш;
- Темир йўл ҳаракатдаги таркиби ва вагонлар, шунингдек захира қисмларни таъмирлаш ва қуришда, юкларни, багажларни ва пассажирларни ташишда уларнинг ҳаёти ва соҳлиги хавфсизлигини таъминлаш.

Илмий - техник тараққиёти соҳасида:

- Янги, илғор технологияларни жорий этиш, корхоналарни техник жихатдан қайта қуrollантириш замирида технологик жараёнларни автоматлаштириш, механизациялаш, корхоналарни реконструкция қилиш ва кенгайтиришни амалга ошириш;

- Бир мақсадлари йўналтирилган илмий - техник дастурлар мажмуасини ишлаб чиқиш;
- Корхона таркибига кирувчи корхоналар учун янги техниканинг буютмачиси вазифасини бажариш;
- Корхона шуъба корхонадарини мажмуавий равишда ривожлантиришнинг бош схемаларини, ишдаб чиқаришни ихтисослаштириш ва кооперациялаш дейишларини ишлаб чиқариш.

Иқтисодиёт соҳасида:

Корхонага қаршли шуъба корхоналарни бошқаришнинг иқтисодий усулларини такомиллаштириш;

- Иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт, дастурларининг узоқ муддатли ва истикболли режа ва дастурларини ишлаб чиқиш;
- Корхона фаолият доирасини кенгайтириш, ташқи иқтисодий алоқаларни ривожлантириш;
- Ихтисослаштирилган ишлаб чиқариш асосида кооперативлаштирилган ҳолда маҳсулот етказиб беришни такомиллаштириш ва шартнома мажбуриятларининг бажарилишини таъминлаш;
- Материяллар, ёқилғи, электр энергияси ва бошқа материал ресурсларда тежамли фойдаланиш чораларини амалга ошириш;
- Атроф - мухитни муҳофаза этиш;

Моддий- техник таъминоти ва сотиш – утказиш соҳасида :

- Корхона аъзоларига моддий- техник таъминоти соҳасида сотиб олувчи корхоналар ва таъминловчи корхоналар ва таъминловчи корхоналар ўртасидаги хўжалик слоқаларини такомиллаштириш ва кенгайтириш борасида кўмак бериш;
- Маркетингни ривожлантириш;
- Товар биржалари, аукционлар ва ярмаркаларда иштирок этиш.

Корхона ўзининг ривожланишининг йўналишларини белгилаш ва амалга ошириш, ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятининг самарадорлигини ошириш

бўйича ҳуқуққа ва кенг имкониятларга эга. Корхона ўзининг хўжалик фаолиятини “Ўзбекистон темир йўллари” ДАТК буюртмалари ҳажми, мажбурий лимит ва норматив ҳом ашё ва моддий ресурсларининг миқдори, курсатилаётган хизмат, бажарилган иш, ишлаб чиқарилган маҳсулотга бўлган истеъмол эҳтиёж ва бозор конъюктураси ҳамда таъминотчи ва истеъмолчилар билан тузилган шартномаларга асосан истиқбол режаларини белгилайди. Уставда кўзда тутилган тепловозлар, электровозлар, вагонлар ва бошқа темир йўл техникасини таъмирлаш иқтисодий самарадорлигини ва рентабеллигини таъминлашга қаратилган дастурларни мустақил равишда ишлаб чиқаради ва амалга оширади. Унинг муттаҳассислари тепловозларни таъмирлаш самарадорлигини ҳар томонлама таҳлил қилишни амалга оширадилар, ишлаб чиқариш-молиявий фаолиятини ва «Ўзтемирйўлмаштаъмир» таркибига қирувчи бўлинмаларнинг (филиалларнинг) ишларида технологик жараёнларга риоя қилаётганлигини танлаб олиш асосида ва ҳар томонлама текширишларни олиб боришади, филиалларни услубий, меъёрий-ҳуқуқий ва маълумотлар билан таъминлашни амалга оширадилар.

Корхона мустақил тасарруфида ўз аксини топган ва таркибига қирувчи асосий фондлар ҳамда айланма маблағларни корхона мулки ташкил қилади.

Корхонанинг Устав фонди 1 786 968 000 (бир миллиард етти юз саксон олти миллион тўққиз юз олтмиш саккиз) минг сўмдан ташкил топади.

Корхона мулкини шакллантирувчи манбалар қуйидагилардан иборат:

- Хўжалик ва ташқи иқтисодий фаолият натижасида олинган даромадлар, юридик шахслар, шу жумладан хорижликлар билан шартнома асосида кўрсатилган хизмат ва қилинган ишлар ҳисобига олинган даромадлар;
- Корхона ва жисмоний шахслардан олинган хайрия маблағлари;
- Қимматбаҳо қоғозлардан келган даромадлар;
- Кредит берувчи ва бошқа банклар кредитлари;
- Жарималардан олинган даромадлар;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги томонидан ман этилмаган бошқа манбалар.

Корхона молия ресурслари манбалари:

- Маҳсулот сотиш, бажариш, кўрсатилган хизматдан келган даромадлар;
- Амортизация учун маблағлар;
- Кредитлар;
- Қимматбаҳо қоғозларги сотишдан келган даромадлар;
- Пеня, жарима ва қонунда ман этилмаган манбалардан келган даромадлар;

Низомга мувофиқ корхонада қолган соф фойдадан мустақил равишда фойдаланади, турли жамғармаларга йўллайди. Корхона кўрсатилган тартибга кўра корхона валюта жамғармасини тузиши ва ундан фойдаланиши мумкин. Хўжалик ҳисоби фойдасидан келган жамғарма маблағларидан фойдаланиш таркибини мустақил равишда тузади. Йил давомида фойдаланилмаган маблағлар мусодара қилинмайди, балки кейинги йилга ўтказилади. Корхона пул маблағлари банк муассасалари ҳисобларида давлат ва чет эл валютаси сифатида сақланади. Корхона ҳисобидан пул маблағларининг сарфланиши фақат бош директор (ёки унинг маълум вазифалар бўйича эгалловчи шахс), арбитаж, суд органлари фармойишига кўра ҳисоб - китоб қоидалари бўйича амалга оширилади.

Корхонанинг молиявий иқтисодий ва бошқа ўзаро муносабатларининг ҳуқуқий асоси бўлиб Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари, тузилган хўжалик шартномалари, компания бошқарувининг буйруқлари ва фармойишлари, корхонанинг устави ҳисобланади.

Темир йўл компанияси учун бажарилаётган ҳаракатдаги таркибни таъмирлашнинг барча турлари ва бошқа ишлари уларнинг ҳақиқатдаги харажатлари бўйича тўланади; ташқи истеъмолчиларга маҳсулот (иш, хизмат)ни реализацияси шартномада белгиланган чегараларда фойдани шакллантиришни кўзда тутувчи шартномавий нархлар бўйича амалга оширилади.

Иш ҳақи ходимлар даромадининг асосий манбаси ҳисобланади ва корхона ишининг пировард натижаларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ишлаб чиқаришга қушган меҳнат ҳиссаси билан белгиланади. Ишчиларни ишга қабул

қилиш меҳнат шартномаси ва у имзоланганидан кейин корхона раҳбарининг ишчини ишга қабул қилиш тўғрисида имзолаган буйруғи чиқарилиши билан расмийлаштирилади. Корхона бўйича ходимлар жадвали ишлаб чиқилади ва тасдиқланади, у барча ходимларнинг рўйхати бўлиб, улар маоши миқдори кўрсатилади. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УҚда ҳам ҳар йил бошида ходимлар сони ҳисобланиб, раҳбарият тасдиғидан утади. Ходимлар ишлаб чиқаришдаги, хизмат кўрсатувчи, Бошқарувчи, мутахассислар ва техник ходимларга бўлинади. Қуйида кўрсатилган 1.1- жадвалда 3 йиллик ходимлар сони келтирилган бўлиб, йилдан йилга ходимлар сони камайиб боришини кўришимиз мумкин.

#### 1.1 – жадвал

##### «Ўзтемирйўлмаштаъмир» УҚсининг контингент таркиби\*, киши

| Кўрсаткичлар                               | 2012 | 2013 | 2014 | 2014 йилнинг 2012 йилга нисбатан ўзгариши |               |
|--------------------------------------------|------|------|------|-------------------------------------------|---------------|
|                                            |      |      |      | Мутлоқ<br>(+,-)                           | Нисбий<br>(%) |
| Ишлаб чиқаришдаги ходимлар                 |      |      |      |                                           |               |
| Хизмат кўрсатувчи ходимлар                 |      |      |      |                                           |               |
| Бошқарувчилар                              |      |      |      |                                           |               |
| Мутахассислар                              |      |      |      |                                           |               |
| Техник ходимлар                            |      |      |      |                                           |               |
| Жами ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлари |      |      |      |                                           |               |

\*Манба: Корхонанинг 2012-2014 йиллар учун йиллик иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоботи

1.1 - жадвалда биз “Ўзтемирйўлмаштаъмир” корхонасининг ходимлар контингентининг 3 йил давомидаги динамикасини кузатишимиз мумкин. Хусусан, ишлаб чиқаришдаги ходимлар сони 2012 йилга нисбатан 213тага ёки 23,3 %га камайган. Хизмат кўрсатувчи ходимлар сони эса 2012-йил 235та бўлиб, 2014-йилга келиб, 48тага камайган. Бошқарувчи ходимлар сони эса 22тага қисқариб, жами 2012-йилдаги ходимлардан 1,39%га камайган. Мутахассислар сони эса 2014-йилда 149тани ташкил қилиб, 2012-йилга нисбатан 32тага ёки 17,7%га камайган. Техник ходимлар сони эса 2012-йилда

65та бўлиб, 2014-йилга келиб ходимлар сони 13тага қисқарган. Шу билан бирга жами ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар, 2012-йилда 1588тага тенг бўлган бўлса, 2014-йилга келиб, 1260тани ташкил қилди ва 328тага ёки 20,7%га камайган.

Корхонада жами ишчилар сонининг ўзгаришини қўйидаги 1-расмда ҳам кўзатиш мумкин.



1-Расм. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” корхонасининг 3 йил давомида жами контингент сони

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УКнинг молиявий - хўжалик фаолиятида иқтисодий кўрсаткичларни ўрганиш ҳамда таҳлил қилиш муҳим ўринни эгаллайди. Чунки бу кўрсаткичларни ўрганиш асосида корхона ишлаб чиқариш бошқарувини такомиллаштириш, прогнозлаш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва маҳсулот (иш. хизматлар) реализациясини ошириш мумкин. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УКнинг молиявий - хўжалик фаолиятини тавсифловчи кўрсаткичлар динамикасини қўйидаги келтирилган жадвалда кузатишимиз мумкин (1.2-жадвал)



## “Ўзтемирйўлмаштаъмир”УК асосий иқтисодий кўрсаткичлар таҳлили\*


| Кўрсаткичлар                          | 2012 | 2013 | 2014 | 2014-йил ўзгариши      |               |                        |               |
|---------------------------------------|------|------|------|------------------------|---------------|------------------------|---------------|
|                                       |      |      |      | 2012-йилга<br>Нисбатан |               | 2013-йилга<br>нисбатан |               |
|                                       |      |      |      | Мутлоқ<br>(+,-)        | Нисбий<br>(%) | Мутлоқ<br>(+,-)        | Нисбий<br>(%) |
| Тепловозлар,<br>жами,сек:             |      |      |      |                        |               |                        |               |
| “Ўзбекистон темир<br>йўллари” АЖ учун |      |      |      |                        |               |                        |               |
| Электровозлар,<br>жами,шт:            |      |      |      |                        |               |                        |               |
| Йўловчи вагонлар<br>(махсус вагонлар) |      |      |      |                        |               |                        |               |
| Ёпиқ вагонлар                         |      |      |      |                        |               |                        |               |
| Яримочиқ вагонлар,<br>жами:           |      |      |      |                        |               |                        |               |
| Ғилдирак<br>жуфтликлари,<br>ғ/жуфт    |      |      |      |                        |               |                        |               |
| Жами:                                 |      |      |      |                        |               |                        |               |

\*Манба: Корхонанинг 2012-2014 йиллар учун йиллик иқтисодий кўрсаткичлар ҳисоботи

1.2 - жадвалдан “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК нинг иқтисодий кўрсаткичларини кўриб чиқишимиз мумкин. Бу жадвалда 3 йиллик маълумотлар келтирилган бўлиб, товар ишлаб чиқариш хажми ва маҳсулот ишлаб чиқариш хажми буйича кўрсаткичлар берилган. Биз маҳсулот ишлаб чиқариш хажмини таҳлил қиладиган бўлсак, жами тепловозлар таъмири 2012-йилга нисбатан 2014-йилда 31 секцияга камайган сабаби, КР2 58,98%га ва КР1 38.89%га таъмир кам бажарилганлиги сабабли эҳтиёж сезилмаган. Шу ҳисобда “Ўзбекистон темир йўллари” АЖ учун таъмирланган тепловозлар 2012 – йилда 124 секция бажарилган бўлиб, 2013 – йилда эса 104 секция тепловоз таъмирланган. 2014-йилда эса эҳтиёж сезилмаган. Электровозлар жами таъмирланганлик кўрсаткичи 2012 - 2013 йилларда бир хил натижага эришиб 100 фоиз таъмир бажарилган. 2014-йилда эса 3та электровоз кам таъмирланиб улар 8тани ташкил этган. 2013- йилга нисбатан ПЭ2У таъмирига эҳтиёж кам

бўлиб, 3тага кам электровоз таъмирлаган. Йўловчи вагонларнинг таъмири эса 2013-2014 йилларда 2012-йилга нисбатан 2 баробар кўп таъмирланган, 2014-йилда 2013-йилга нисбатан эса 100% тўлиқ яъни 8та махсус вагонлар таъмирланган. Бу албатта корхона учун ижобий кўрсаткич. Ёпиқ вагонлар эса 2013 – йилда 2012 йилга нисбатан биттага кўп таъмирланиб 25%га кўп иш бажарган. 2014 - йилда эса эҳтиёж бўлмаган. Ёпиқ вагонлар эса 2012-йилга нисбатан 2014-йилнинг ўзгариши 30тага камайган 2013 -йилга нисбатан эса 20 тага кам бажарилган. Ярим очик вагонларни 11 йилга хизмат муддатини узайтириш йилдан йилга камайиб борган. Шу билан бирга ғилдирак жуфтликларини алмаштириш ҳам 2014 - йилда 5433 жуфтни ташкил қилиб 2012 - йилга нисбатан 485 жуфт ғилдиракларга кўп таъмирланган. 2013 - йилга нисбатан эса 1637 жуфт ғилдирак кўп таъмирлаб иш хажмини 43% га кўп бажарган.

Қўйидаги 2-расмда “Ўзтемирйўлмаштаъмир” корхонасининг 3 йил давомида жами таъмирларган элетровозлар ва тепловозлар кузатишимиз мумкин .



\*Манба:2012-2014 йилларнинг йиллик иктисодий кўрсаткичлар ҳисоботи

2-расм . “Ўзтемирйўлмаштаъмир”УК нинг 3 йил давомида жами таъмирларган элетровозлар ва тепловозлар сони.

## 1.2. Корхона даромадларининг таҳлили

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятини тўғри йўлга қўйишга, уларнинг молиявий барқарорлиги ва тўловга лаёқатлилигини таъминлашга хизмат қилади.

Иқтисодиётни модернизациялаш корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулотининг сифати ва баҳосига сезиларли таъсир кўрсатиб, уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга ва мажбуриятларнинг асоссиз кўпайиб кетишининг олдини олишига ва корхона даромадларини оширишга имкон яратади. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов: — «Биз жорий этган бундай механизм банкрот корхоналарда ишлаб чиқариш фаолиятини қайта тиклаш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгिलाш учун банклар томонидан қўшимча инвестиция киритиш, ана шундай корхоналарни молиявий соғломлаштириш, янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва замонавий бошқарув усуллари татбиқ этиш, шунингдек, иш ўринларини қайта тиклаш ва янги иш ўринларини яратишни кўзда тутди»<sup>2</sup>, деб таъкидлайдилар.

Корхонанинг молиявий ҳолати ва молиявий натижаларини молиявий ҳисоботлар, бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ахборотларнинг маълумотлари асосида ўрганиб, мавжуд молиявий имкониятларни аниқлаш ва молиявий ҳолатни яхшилашга имкон беради.

Молиявий таҳлилнинг асосий қисми бўлиб корхоналар молиявий ҳолатининг таҳлили ҳисобланади. Корхонанинг молиявий ҳолати унинг молиявий барқарорлиги, молиявий мустақиллиги, тўловга қодирлиги, ўз маблағлари билан таъминланганлиги, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳолати каби жиҳатларини ифодаловчи кўрсаткичлар тизими билан тавсифланади. Ушбу кўрсаткичлар даражасини ўрганиш ва таҳлил этиш ҳамда уларнинг натижаларини умумлаштириш орқали корхонанинг молиявий

---

<sup>2</sup> Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз Ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. -Т.: «Ўзбекистон», 2011. –б. 10

ҳолатига баҳо берилади. Шунинг учун ҳам ушбу кўрсаткичларни ўз вақтида таҳлил қилиб туриш – корхонанинг молиявий аҳолини яхшилаш ҳамда иқтисодиётни мустаҳкамлаш учун шарт шароит яратади.

Битирув малакавий ишнинг объектининг молиявий ҳолатини таҳлил қилишнинг асосий манбалари бўлиб, қуйидаги ахборотлар ҳисобланади:

1. Бухгалтерия баланси (1-шакл);
2. Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот (2-шакл);
4. Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот (4-шакл);
5. Хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот (5-шакл);
6. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар ҳақидаги маълумотнома (2а-шакл).

Бухгалтерия баланси асосида, биринчи навбатда, корхонанинг умумий молиявий ҳолатига баҳо берилади. Бунинг учун корхонанинг мулки(активлари), капитали ва мажбуриятлари (пассивлари)ни таркиби ва таркибий тузилиши ҳамда уларнинг ўзгариши таҳлил қилинади (1.3-жадвал ).

1.3-жадвал маълумотларидан “Ўзтемирўлмаштаъмир ”УК нинг мол- мулки ва мажбуриятларини таҳлил қиламиз. Корхона мулки 2012-йилга нисбатан 2013-йилда 9 221 349 минг сўмга ёки 14.5% га кўпайган. Корхона фаолияти учун корхона бойлигининг кўпайгани ижобий ҳолдир. 2014 - йил эса 10 725 270 минг сўмга камайган. Мулкнинг кўпайиши жорий активлар ҳисобига бўлиб, 2013-йилда жами жорий активлар ўткан йилга нисбатан 6115554 минг сўмга ўсган. 2014-йилда эса 14366,518 минг сўмга камайган. Товар моддий захиралари 2013-йилда 1 819 639 минг сўмга ошган. 2014 - йилда эса 15584,723 минг сўм га камайган. Дебиторлик қарзлари эса 2013-йилда ўтган йилга нисбатан 4 450486 минг сўмга ошган. 2014- йилда эса 1331 960 минг сўмга кўпайган. Пул маблағлари кўрсаткичи эса 2013-йилда 10621минг сўмга , 2014-йилда эса 90257 минг сўмга камайган.

1.3 - Жадвал

Корхона мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикасининг таҳлили\*, минг.сўм

| Актив мулкнинг<br>гурухлари           | 2012 | 2013 | 2014 | Пассив мулк<br>манбалари-<br>нинг гурухлари        | 2012 | 2013 | 2014 |
|---------------------------------------|------|------|------|----------------------------------------------------|------|------|------|
| 1.Узоқ муддатли<br>активлар (У)       |      |      |      | 1. Ўз маблағларининг<br>манбалари (Х)              |      |      |      |
| 2. Жорий<br>активлар                  |      |      |      | 2.Мажбуриятлар:                                    |      |      |      |
| 2.1. Товар<br>моддий<br>захиралар (З) |      |      |      | 2.1 Узоқ муддатли<br>мажбуриятлар(М)               |      |      |      |
| 2.2.Дебиторлик<br>қарзлар (Д)         |      |      |      | 2.2.Қисқа муддатли<br>қарзлар ва кредит-лар<br>(Б) |      |      |      |
| 2.3.Пул<br>маблағлари (П)             |      |      |      | 2.3. Кредиторлик<br>қарзлари (К)                   |      |      |      |

\*Манба: Корхонанинг 2012-2014 йилларнинг йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 1-шакл ҳисоботи

Мажбуриятлар ҳам 2012-йилга нисбатан 6 723 019 минг сўмга ёки 23,4% га кўпайган. Ўзоқ муддатли мажбуриятлар 2012-йилга нисбатан 926 635 минг сўмга камайган. 2014-йилда эса мавжуд бўлмаган. Қисқа муддатли кредит ва қарзлар 2012-йилга нисбатан 7 649 654 минг сўмга кўпайган. 2013-йилга нисбатан эса 11 836 467 минг сўмга камайган. Кредиторлик қарзлари эса 2013-йилга нисбатан 31 029 546 минг сўмга камайган.

Корхона баланси хўжалик юритувчи субъектнинг мулки, капитали ва мажбуриятлари динамикасининг таҳлил қилиш имконини берса, “Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот” корхонанинг кузатилаётган даврларда молиявий кўрсаткичларини яъни:

1. Маҳсулот (иш ва хизмат) ни сотишдан олинган даромадлар;
2. Асосий фаолиятдан ташқари бошқа операцион даромадлар;
3. Молиявий фаолиятдан олинган даромадлар;
4. Фавқулодда даромадларларни таҳлил қилиш имконини беради.

Тадқиқот объекти бўйича кузатилаётган даврларда даромадлар динамикасини қуйдаги 1.4 жадвалда кўриш мумкин.

1.4 жадвалдан 2012-2014 йиллар учун “Ўзтемирйулмаштаъмир” УКнинг олган даромадларини таҳлил қиладиган бўлсак, маҳсулот сотишдан тушган соф тушум 2013 - йилда 72513332 минг сўмни ташкил қилди, ўтган йилга нисбатан -12543253 минг сўмга камайган. 2014 - йил эса 82314399 минг сўмни ташкил этиб, 9801067 минг сўмга ошган ва 13.5% кўпайган. Асосий фаолиятнинг бошқа даромадлари эса 2013-йилда ўтган йилга нисбатан 15411 минг сўмга камайган. 2014 - йилда эса 86229 минг сўмга камайган. Молиявий фаолиятдан олган даромади жами 2012-йилга нисбатан 55572 минг сўмга кам бўлиб 49,8%ни ташкил қилган. 2014-йилда эса 14362 минг сўмга камайган ва 73,9%ни ташкил қилган. Ҳусусан бунинг ичига дивидентдан олган даромади 2013-йилда 7728 минг сўмга ошган 21,8%га кўп олган. 2014-йилда эса 2013-йилга нисбатан 2655 минг сўмга камайган 7,8% кам олган. 2014-йилда эса 2013-йилга нисбатан 2655 минг сўмга камайган 7,8% кам олган.

**Корхона даромадларини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси, минг.сум**

| Кўрсаткичлар                                               | 2012 | 2013 | 2014 | 2012/2013йилга<br>нисбатан |              | 2013/2014-йилга<br>нисбатан |           |
|------------------------------------------------------------|------|------|------|----------------------------|--------------|-----------------------------|-----------|
|                                                            |      |      |      | Мутлоқ<br>(+,-)            | Нисб.<br>(%) | Мутлоқ<br>(+,-)             | Нисбий(%) |
| Махсулот (товар, иш ва хизмат)<br>ларни сотишдан соф тушум |      |      |      |                            |              |                             |           |
| Асосий фаолиятнинг бошка<br>даромадлари                    |      |      |      |                            |              |                             |           |
| Молиявий фаолиятнинг<br>даромадлари                        |      |      |      |                            |              |                             |           |
| -Дивидендлар шаклидаги<br>даромадлар                       |      |      |      |                            |              |                             |           |
| -Валюта курси фаркидан<br>даромадлар                       |      |      |      |                            |              |                             |           |
| -Молиявий фаолиятнинг бошка<br>даромадлари                 |      |      |      |                            |              |                             |           |

\*Манба: Корхонанинг 2012-2014 йилларнинг йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 2-шакл ҳисоботи

2014-йилда эса 2013-йилга нисбатан 2655 минг сўмга камайган 7,8% кам олган. Курс фарқларидан олган даромади эса жуда кам булиб, 2012- йилда 226 минг сўмни ташкил этган. 2014-йилда 409 минг сўмни ташкил этган. Молиявий фаолиятдан олинган бошқа даромад 2012 -йилда 75198 минг сўмни, 2014-йилда эса 6 минг сўмни ташкил этган.

Бундан ташқари корхона юқорида кўрсатилган даромад кўрсаткичлари билан бирга қаторда харажатларни ифодаловчи кўрсаткичлар ҳам мавжуд. “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УКнинг харажатлар таркибини қўйидаги жадвалда кузатиш мумкин (1.5 жадвал).

“Ўзтемирийўлмаштаъмир” УК 2013-йилда ўтган йилга нисбатан 10079626 минг сўмга кам харажат қилган бу албатта ижобий ҳолат. Лекин 2014-йилда эса 8 051 858 минг сўмга кўп харажат қилган. Давр харажатлари жами 2012 йилда 10 155 774 минг сўмни ташкил қилиб, 2013-йилда эса 2012-йилга нисбатан 159494 минг сўмга кам харажат қилган. 2014-йил эса 2 679 248 минг сўмга яъни 26 % га ортиқ харажатни кўришимиз мумкин. Шу жумладан сотиш харажатлари 2013-йилда 26 282 минг сўмни ташкил этиб, ўтган йилга нисбатан 17928 минг сўм камайган, 2014 - йил эса 43 469 минг сўмни ташкил этиб 2013-йилга нисбатан яна кўп харажат сарф қилган, 65%га ортиб кетган. Маъмурий харажатлар 2013-йилда ўткан йилга нисбатан, 258059 минг сўмга камайган, 2014-йилда эса шу йилга нисбатан 151 026 минг сўмга купайган. Бошқа операцион харажатлар, 2013 – чи йилда 399626 минг сўмга кам харажат сарфланган. 2014-йилда эса бу кўрсаткич, 2 813 088 минг сўмга ортиб кетган. Молиявий фаолият бўйича харажатлар жами, 2013-йилда ўткан йилга нисбатан 297645 минг сўмга кўпайган. 2014-йил эса 102 427 минг сўмга камайган. Шу жумладан молиявий фаолият харажатлари ўз ичига, фоизлар бўйича харажатлар, узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар, валюта курси фарқидан зарарлар олади. Бу кўрсаткичлар ичида фоизлар бўйича харажатлар энг юқори харажат сарф этадиган кўрсаткич бўлиб, 2013йилда 2012- йилга нисбатан 302437 минг сўмга





**Корхона харажатларини ифодаловчи кўрсаткичлар динамикаси\*, минг. сўм**

| Кўрсаткичлар                                                              | 2012 | 2013 | 2014 | 2012/2013 йилга нисбатан |            | 2013/2014 йилга нисбатан |            |
|---------------------------------------------------------------------------|------|------|------|--------------------------|------------|--------------------------|------------|
|                                                                           |      |      |      | Мутлоқ (+,-)             | Нисбий (%) | Мутлоқ (+,-)             | Нисбий (%) |
| Сотилган маҳсулот (товар, иш ва хизмат) ларнинг таннари                   |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Давр харажатлари, жами                                                    |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Сотиш харажатлари                                                         |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Маъмурий харажатлар                                                       |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Бошқа операцион харажатлар                                                |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Молиявий фаолият бўйича харажатлар                                        |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Фоизлар шаклидаги харажатлар                                              |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Узок муддатли ижара (молиявий лизинг) бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Валюта курси фаркидан зарарлар                                            |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Даромад (фойда) солиги                                                    |      |      |      |                          |            |                          |            |
| Фойдадан бошқа соликлар ва йигимлар                                       |      |      |      |                          |            |                          |            |

\*Манба: Корхонанинг 2012-2014 йилларнинг йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 2-шакл ҳисоботи

зарар кўрган, 2014- йилда эса 95 662 минг сўмга харажати камайган. Узок муддатли ижара бўйича фоизлар шаклидаги харажатлар 2012-йилда 11 349 минг сўмни ташкил қилиб, 2013-йилда эса ушбу харажат 4584 минг сўмга камайган. Валюта курси фаркидан зарарлар эса фақатгина 2012- йилда бўлиб, у 208 минг сўмни ташкил этган.

Юқорида кузатилаётган даврларда олинган даромадлар ва қилинган харажатлардан келиб чиқиб корхона кўйидаги молиявий натижаларга эришган.

1.6.-жадвал

**Корхона молиявий натижаларини ифодаловчи кўрсаткичлар  
динамикаси, минг сум ҳисобида**

| Кўрсаткичлар                                        | 2012 | 2013 | 2014 | 2012-йилга<br>нисбатан 2014-йил<br>ҳолати |  |
|-----------------------------------------------------|------|------|------|-------------------------------------------|--|
| Махсулот сотишдан<br>олинган ялпи фойда             |      |      |      |                                           |  |
| Асосий фаолиятдан<br>кўрилган фойда<br>(зарар)      |      |      |      |                                           |  |
| Умумхўжалик<br>фаолиятидан олинган<br>фойда (зарар) |      |      |      |                                           |  |
| Солиқ тўлангунгача<br>олинган фойда                 |      |      |      |                                           |  |
| Йилнинг соф фойдаси                                 |      |      |      |                                           |  |

1.6-жадвал маълумотларга кўра, корхонанинг 2012-йилга нисбатан 2014-йилда соф фойдаси 3397697 минг сўмга камайган. Бунга сабаб махсулот иш хизматларнинг сотишдан олинган ялпи молиявий натижа 2012-йилга нисбатан 714 418 минг сўмга камайганлигидир. Асосий фаолиятдан кўрилган фойда ҳам 2014-йилда 2012-йилга нисбатан 3 335 812 минг сўмга ёки 71.7 % га камайдиганини кўришимиз мумкин. Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда эса 2012-йилга нисбатан 2014-йилда 3 600 966 минг сўм ёки 76.7%га камайган. Солиқ тўлагунга қадар олинган фойга умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда билан бир хил кўрсаткичга эга, сабаби фавқулодда фойда ва зарарлар

пайдо бўлмаган. Умуман олганда барча кўрсаткичларимизнинг якуний молиявий натижаси камайиб кетганини кўришимиз ҳолатида йил учун соф фойда шулар сабабли камайиб кетганлигини кўришимиз мумкин.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УКнинг соф фойдасининг кузатилаётган даврларда ўзгаришини қўйидаги 3-расмда кўриш мумкин.



\*Манба: 2012-2014 йилларнинг йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 2-шакл ҳисоботи

3-расм. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК нинг соф фойдани ўзгариш динамикаси

Умумий хулоса қилганда “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК нинг асосий фаолияти ифодаловчи кўрсаткичлар ўтган йилга нисбатан ҳисобот йилида камайганлигини кўришимиз мумкин. Жами ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар 2014-йилда 2012-йилга нисбатан 328тага камайган. Сабаби иш ҳажми камайганлиги ва натижада ишчи кучи контингенти қисқарилди. Корхона иқтисодий кўрсаткичларини кўрадиган бўлсак, жами тепловозлар 2014-йилда 2012-йилга нисбатан 31тага камайган сабаби бир тарафдан кўрсатилган хизмат сифати бўлса иккинчи тарафдан иш ҳажмини камайиши. Бунинг натижасида ҳисобот даврининг соф фойдаси 2012-йилга нисбатан 2014-йилда 3 397 697 минг сўмга камайган, албатта бу корхона учун салбий ҳолатдир.

## **II-боб. Корхона фаолияти бўйича даромадларнинг бухгалтерия ҳисоби**

### **2.1. Асосий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби**

Хар бир корхона уз фаолиятини олиб боришидан асосий мақсад бу-фойда олишдир. Даромадлар, харажатлар, фойда ҳамда зарар тушунчаларининг қўидаги таърифлари мавжуд:

Даромадлар – бу субъектнинг хўжалик фаолияти натижасида, одатда, ижара ҳақи, фойзалар, лицензия тўловлари ва дивидентлар шаклида даромад келтирадиган фаолият, яъни товарларнинг сотилиши, хизматларнинг кўрсатилиши ёки бошқа шахсларнинг хўжалик субъектининг ресурсларидан фойдаланиши натижасида активларнинг келиб тушиши ёки мажбуриятларнинг камайиши орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг кўпайишидир.

Харажатлар – бу активларнинг камайиши ёки фойдани кўпайтириш мақсадида хўжалик фаолиятдан келиб чиқадиган мажбуриятларни ўз зиммасига олиш орқали рўй берадиган иқтисодий ресурсларнинг камайишидир.

Фойда – бу хўжалик субъектига таъсир этадиган асосий ва асосий бўлмаган фаолият, ҳодисалар, шароитлар капиталининг кўпайиши бўлиб, хусусий капиталга тўланадиган бадаллар бундан мустаснодир.

Зарарлар – бу асосий фаолият ва барча бошқа операциялар, ҳодисалар, шароитлар натижасида хусусий капиталнинг камайиши бўлиб, харажатлар ёки хусусий капиталнинг тақсимланиши натижасидаги камайиш бундан мустаснодир.

Даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги маълумотлар «Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот» таркибида акс эттирилиб, улар хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳисобот даврдаги молиявий натижаларининг фойда ёки зарар эканлигини аниқлаш учун ишлатилади. Фойда (зарар) даромадлар ва харажатларни бир-бири билан солиштириш натижасида аниқланади, яъни:

Даромадлар –харажатлар = фойда (зарар).

Ўзбекистон Республикаси «Асосий хўжалик фаолиятдан даромадлар» номли 2 – бухгалтерия ҳисоби миллий стандартида даромадларга қўйидагича таъриф берилган:

«Ушбу стандартда даромад дейилганда хўжалик субъектлари оддий фаолияти давомида олинган даромадлар, шу жумладан, маҳсулотни сотиш (ишларни бажариш ва хизмат кўрсатиш)дан олинган даромадлар, олинган фоизлар, дивидендлар, роятилар ва бошқалар тушунилади». (Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобининг Миллий Стандартлари, Тошкент, 2002 й., 38-бет).

Корхоналар молиявий – хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб даромадлар ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг моҳияти, таснифи ва тавсифи республикамызда қабул қилинган қўйидаги меъёрий ҳужжатларда атрофлича очиқ берилган:

- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (16 молда);
- БҲМС «молиявий ҳисоботни тузишга тақдим этиш учун концептуал асоси»
- 2 – сон БҲМС «Асосий хўжалик фаолиятдан олинаган даромадлар».
- «Маҳсулот (иш, хизмат)ларини ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тўғрисида Низом».

Корхона даромадлари бўйича бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари бўлиб қўйидагилар ҳисобланади:

- Даромадларни ҳисоблаш тамойиллиги счётларда акс эттириш;
- Даромадларни солиқларга муносабатини тўғри белгилаш;
- Даромадларни молиявий ҳисоботда тўғри акс эттириш ва бошқалар.

Сотишдан олинган даромадларнинг ҳисоби:

Товарларни сотишдан олинган даромадлар асосан улгуржи ва чакана савдо корхоналарида, шунингдек ўзлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини

фирма магазинлари орқали сотадиган ишлаб чиқариш корхоналарида ишлатилади.

Бажарилган ишлар ва хизматлардан олинган даромадлар асосан хизмат соҳаси корхоналарида, шунингдек асосий фаолиятидан ташқари ишва хизматлар кўрсатувчи бошқа турдаги корхоналарда ишлатилади, шу жумладан “Ўзтемирийўлмаштаъмир”корхонасида.

Маҳсулотни сотишдан келадиган тушум эса Ўзбекистон Республикасининг «Бухгалтерия ҳисоби тўғриси»даги Қонунига асосан аниқланади.

Маҳсулот (иш , хизмат)ларни сотишдан олинган соф тушумни ҳисобга олиш учун «Ўзтемирийўлмаштаъмир» УК ҳисоб сиёсатига асосан қуйидаги ҳисобварақлар юритилади:

9010 – «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромад» ;

9011 – «Тайёр маҳсулотни экспорт қилишдан олинган даромадлар»;

9012 – «Локолизация бўйича тайер маҳсулот сотишдан даромадлар»

9020 - «Товарларни сотишдан олинган даромад »;

9030 – «Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардар олинган даромадлар»;

9031 – «Экспорт бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар»;

9032 – «Локализация бўйича бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлан»;

9034 – «Қурилишда бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардан олинган даромадлар»;

9040 – « Сотилган товарларнинг қайтарилиши»;

9050 – «Харидор ва буюртмачиларга берилган чегирмалар»

9010 – «Тайёр маҳсулотни сотишдан олинган даромадлар» , 9020 - «Товарларни сотишдан олинган даромадлар », 9030 – « Бажарилган иш ва кўрсатилган хизматлардар олинган даромадлар» ҳисобварақларининг кредитида корхонанинг асосий фаолиятидан (Маҳсулот сотиш, иш бажариш,

хизмат кўрсатиш) олинган даромадлар акс эттирилади ва 4010 – «Харидорлар ва буюртмачилардан олинган счётлар» , 4110 – «Алоҳида балансга ажратилган бўлинмалардан олинган счётлар» ҳамда пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақларнинг дебети билан ўзаро корремпонденцияда бўлади. Олдинги давр олинган, аммо ҳисобот йилига тегишли бўлган даромадлар (Бўнак) суммасига пул маблағларини ҳисобга олувчи ҳисобварақлар дебедланиб, 6210 – «Муддати узайтирилган даромад» ёки 6310 – «Харидор ва буюртмачилардар олинган бўнак» ҳисобварақлари кредитланади. Ҳисобот даври охирида юқорида келтирилган счётларнинг кредитида тўпланган сумма уларнинг дебетига ва 9910 счётининг кредитига ёзилади ва шу асосда улар ёпилади. “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УКда асосий фаолият даромадларини ҳисоб варақларда акс эттирилиши қўйидаги расмда кўриш мумкин.

| Д-т 9010 К-т | Д-т 9910 К-т       |
|--------------|--------------------|
|              |                    |
|              | (4 843 298 297,83) |
|              |                    |
| Д-т 9030 К-т |                    |
|              | 75 877 671 970,85  |
|              |                    |
| Д-т 9032 К-т |                    |
|              | 1 593 429 204,00   |
|              |                    |

4.расм. “Ўзтемирийўлмаштаъмир” УКда асосий фаолият даромадларини ҳисоб варақларда акс эттирилиши



## **2.2. Бошқа операцион фаолиятдан ва молиявий фаолиятдан олинган даромадлар ҳисоби**

Асосий ишлаб чиқариш фаолиятдан олинган бошқа даромадларга қуйидагилар қиради:

- Ундирилган ёки қарздор томонидан эътироф этилган жамғармалар, пенялар, вақтида тўланмаган қарзлар ва хўжалик шартномалари шартларини бузганлик учун бошқа хил жазо жарималари, шунингдек етказилган зарарларни ундириш бўйича даромадлар;
- Ҳисобот йилида аниқланган ўтган йиллардаги фойда;
- Ишлаб чиқариш ва маҳсулотлар (ишлар, хизматлар)ни сотиш билан бевосита боғлиқ бўлмаган операциялардан рента даромади, хўжалик юритувчи субъектлар ҳузуридаги ошхоналардан тушумлар, ёрдаичи хизматлардан даромадлар сифатидаги кирим қилинган бошқа даромадлар;
- Хўжалик юритувчи субъектнинг асосий фондларини ва мол – мулкларини сотишдан олинган даромадлар;
- Даъва муддати ўтган кредиторлик ва депонент қарзларни ҳисобдан чиқарилишдан олинган даромадлар;
- Товар – моддий бойликларни қайта баҳолаш;
- Холисона молиявий ёрдам;
- Бошқа муомала даромадлари.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УКнинг ҳисоб сиёсатида биноан асосий фаолиятдан олинган бошқа даромадлар қуйидаги ҳисобварақларда акс эттирилади:

9310 – “Асосий воситаларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда”;

9320 – “Бошқа активларнинг сотилиши ва турли чиқимдан олинган фойда”;

9330 – “Ундирилган жарима, боқиманда ва бурдсизликлар”;

9340 – “Ўтган йил фойдаси” ;

9350 – “Оператив лизингдан олинган даромад”;

9360 – “Кредиторлик ва депонентлик қарзларини ҳисобдан чиқазишдан олинган даромадлар”;

9370 – “Хизмат кўрсатувчи хўжаликларнинг даромадлари” ;

9380 – “Қайтарилмайдиган молиявий ёрдам” ;

9390 – “Бошқа операцион даромадлар”.

Ушбу ҳисобварақлар транзит ҳисобланади. Юқоридаги ҳисобварақларнинг кредит обороти фойда (даромад)нинг кўпайишини, дебет обороти эса уларнинг ҳисобдан чиқарилишини кўрсатади. Ҳисобот даври охирида юқорида келтирилган счетларнинг кредитида тўпланган сумма уларнинг дебетиға ва 9910 счегининг кредитига ёзилади ва шу асосда улар ёпилади. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УҚда асосий фоалиятдан олинган бошқа даромадларини ҳисоб варақларда акс эттирилиши кўйидаги расмда кўриш мумкин.

| Д-т 9310 К-т | Д-т 9910 К-т     |
|--------------|------------------|
|              |                  |
|              | (347 064 879,04) |
| Д-т 9320 К-т |                  |
|              | 124 438 024,87   |
| Д-т 9330 К-т |                  |
|              | 17 730 386,14    |
| Д-т 9350 К-т |                  |
|              | 39 173 936,57    |
| Д-т 9360 К-т |                  |
|              | 47 844 906,97    |
| Д-т 9390 К-т |                  |
|              | 447 013 847,48   |

5 расм. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УҚда асосий фоалиятдан олинган бошқа даромадларини ҳисоб варақларда акс эттирилиши кўйидаги расмда кўриш мумкин.

“Харажатлар таркиби тўғрисидаги Низом”га биноан молиявий фаолиятдан олинган даромадларга қуйидагилар киради:

- Олинган роялти ва сармоя трансферти;
- Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва унинг ташқарисида бошқа хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида улуш қўшган ҳолда қатнашишдан олинган даромад, акциядар бўйича дивидентлар ва облигациялар ҳамда хўжалик юритувчи субъектга тегишли қимматли қоғозлар бўйича даромадлар;
- Мулкни узоқ муддатли ижарага беришдан олинган даромадлар (лизинг бўловини олиш);
- Валюта счётлари, шунингдек чет эл валюталардаги муомалалари бўйича ижобий курс тафовутлари;
- Сарфланган (Қимматли қоғозларга, шшъба корхоналарга ва ҳоказоларга) маблағларни қайта баҳолашдан олинган даромадлар.

Молиявий фаолият бўйича даромадлар ҳисоби “Асосий хўжалик фаолиятидан олинган даромадлар” номли 2 - сон БХМА, “ Лизинг ҳисоби” номли 6 - сон БХМА, “Молиявий инвестициялар ҳисоби” номли 12- сон БХМАлар билан тартибга солинали.

Молиявий фаолиятдан олинадиган фойда (даромад) “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК ҳисоб сиёсатида биноман қуйидаги 9520-«Дивидендлар кўринишидаги даромадлар», 9530-«Фоизлар кўринишидаги даромадлар», 9540-«Валюталар курси фарқидан даромадлар», 9550 -«Узоқ муддатли ижарадан даромадлар», 9560-«Қимматли қоғозларни қайта баҳолашдан даромадлар» ва 9590-«Молиявий фаолиятнинг бошқа даромадлари» счетларда ҳисобга олинади.

Ҳисобот даври охирида юқоридаги счетларнинг кредит оборотлари якуний молиявий натижага ўтказилади: Дт 9510, 9520, 9530, 9540, 9560, 9590 счетлар, Кт-9910 «Якуний молиявий натижа» смети.

Шундай қилиб ,“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УКнинг бухгалтерия ҳисоби албатта корхона ҳисоб сиёсатида амал қилган ҳолда иш юритади. Шунга кўра даромадлар ҳам корхонада ўзининг махсус тасдиқланган счетларига эга .

### **III-Боб. Корхонанинг даромадларини ошириш йўллари**

#### **3.1. Даромад миқдорига таъсир қилувчи омиллар таҳлили**

Даромадлар ва харажатлар молиявий натижларни характерловчи фойдани ўлчашга дахлдор бўлган элементлар ҳисобланади. Шу боис эътиборимиз даромад миқдорини режага ва ўтган йилларга нисбатан ўзгариши ва омилли таъсирига қаратилади.

Даромад миқдорини ўзгаришида омилли таҳлилга алоҳида аҳамият берилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида корхоналарнинг даромадлилигига турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Корхоналарнинг фаолият йўналишига қараб уларни 2 гуруҳга ажратиш мумкин: ижобий ва салбий. Ижобий омиллар - бу шундай омилларки, корхона фаолиятига самарали таъсир кўрсатади, салбий омиллар эса аксинча. Кўпинча айрим омилларнинг салбий таъсири, бошқа омилларнинг ижобий таъсирини камайтириши хатто йўқ қилиши мумкин. Турли омилларнинг мавжудлиги, уларни гуруҳларга бўлишни талаб қилади. Омилларни таснифлаш асосида турли хил аломатлар ётади:

- Вужудга келиш жойи бўйича ички ва ташқи омиллар.
- Натижанинг аҳамиятлиги бўйича - асосий ва иккинчи даражали.
- Вақт таъсирига қараб - доимий ва вақтинчалик.

Омилларни ҳар қандай таснифлаш маълум мақсадларга хизмат қилади. Ишлаб чиқариш - бозор иқтисодиётида бир вақтнинг ўзида ҳам субъект ҳам объект бўлишини, ҳамда , турли хил омиллар динамикасига таъсир кўрсата олишини ҳисобга олган ҳолда уларни ички ва ташқи омилларга бўлиш муҳим ҳисобланади.

Ички омиллар — корхона фаолиятини ўзига боғлиқ бўлади, яъни корхонанинг ўзи уни вужудга келтиради. Ташқи омиллар эса корхонага деярли ёки умуман буйсунмайди. Шу билан бирга, корхона ўзгартиролмайдиган ва унга мослашишга мажбур бўладиган ташқи шароитлар корхона учун энг аввало муҳим аҳамиятга эга бўлади. Корхонанинг ички имкониятларидан ташқи

омилларга самарали таъсир қилиш мақсадида фойдаланилади. Биринчи навбатда *ички омиллари* кўриб чиқамиз. Улар корхонанинг даромадлигига ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва маҳсулотни реализация қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, сотиш нархларини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларни камайтириш ва савдони ошириш орқали таъсир қилади. Уларга қуйидагилар киради:

- Илмий техник жараёни тезлаштириш;
- Хўжаликни бошқариш даражаси;
- Раҳбарият ва менеджерларнинг чуқур билимга эгаллиги (компетентлиги)
- Маҳсулотнинг рақобатбардошлиги, ишлаб чиқариш ва меҳнатни ташкил этиш даражаси ва хоказо.

Корхона фаолиятига қуйидаги *ташқи омиллари* ҳам айтарли даражада таъсир кўрсатади :

- Фойдаланиладиган моддий-техник ресурслар нархининг даражаси;
- Амортизация меъёрлари;
- Солиқга тортиш тизими ва бошқалар

Корхона даромадлиги маълум даражада давлатнинг таъсирига боғлиқ бўлади, аввало, маданиятли бозор ва ундаги ўйин қоидаларини яратиш зарур бўлади. Давлатнинг таъсири энг аввало солиқлар орқали намоён бўлади. Хозирги вақтда Ўзбекистонда амал қиладиган солиқ тизими солиқ юкини камайтириш ва солиқ тўловчиларнинг сонини ошириш орқали бизнесни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган.

Корхона даромадларига харажатларнинг миқдори ҳам бевосита таъсирини кўрсатади. Ишлаб чиқариш харажатларнинг бир сўмга корхона қанча тийин фойда олишини ишлаб чиқариш харажатлар рентабеллиги кўрсаткичи кўрсатади ва қуйидаги формула орқали аниқланади.

$$K_{\text{иш}} = \frac{\text{Соф фойда}}{\text{ишлаб чиқариш таннари}}$$

2012 йилда

$$K_{\text{иш}} = \frac{4115031}{71373931} = 5,76$$

2012 йилда

$$K_{\text{иш}} = \frac{1529372}{61294305} = 2,49$$

2012 йилда

$$K_{\text{иш}} = \frac{717334}{69346163} = 1,03$$

“Узтемирйулмаштаъмир” УКнинг ишлаб чиқариш харажатларнинг бир сўмга корхона қанча тийин фойда олишини кўрсаткичини қўйидаги жадвалда кузатиш мумкин

1.7.-жадвал


### Харажатлар рентабеллиги кўрсаткич<sup>\*</sup>

| Кўрсаткичлар                                | 2012 | 2013 | 2014 | 2014-йил 2012 йилга<br>нисбатан мутлоқ<br>ўзгариши | 2014-йил 2013<br>йилга нисбатан<br>мутлоқ<br>ўзгариши |
|---------------------------------------------|------|------|------|----------------------------------------------------|-------------------------------------------------------|
| Ишлаб чиқариш<br>харажатлар<br>рентабеллиги |      |      |      |                                                    |                                                       |

<sup>\*</sup>Манба:2012-2014 йилларнинг йиллик молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботи 1-шакл ҳисоботи

Жадвал маълумотларидан куриниб турибдики ишлаб чиқариш харажатлар рентабеллиги йилдан йилга пасайиб кетган, яъни 2014-йил 2012 йилга нисбатан 4.73 тийинга , 2013 йилга нисбатан 1.46 тийинга ўзгарган. Бу эса ўз навбатида 1 сўм харажатдан оладиган фойда миқдорини пасайиб кетганидан далолат беради.

Бундан ташқари корхона даромадининг миқдорига нархлар ўзгариши ҳам таъсир кўрсатади. Қўйдаги келтирилган 6-расмда корхонада нархларнинг пасайиши ва нархларнинг ўсишига таъсир этувчи омиллар келтирилган.



6-расм . Корхона даромадининг нархларга таъсир этувчи омиллар натижасида ўзгариши

### 3.2. Корхона даромадларини ошириш йўллари

Темир йўл транспорти корхоналари ва бўлимлари асосий фаолиятидан олинган даромади – бу харажатларини молиялаштириш ва фойдани шакллантириш асосий манбаи бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, даромад корхона молиявий – хўжалик фаолиятининг муҳим кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади.


“Ўзтемирйўлмаштаъмир” даромадини оширишнинг йўлларида яна бири меҳнат харажатларини иқтисод қилиш бўлиб, у меҳнат функцияларини бирлаштириш (иш вақти сарфи қисқаради, ишчиларнинг юкмаси ошади), ишчиларни моддий ва маънавий рағбатлаштириш ҳисобига амалга оширилади.

Даромадни ошишига ташкилий-техник тадбирлар ҳам таъсир этади: прогрессив технологияларни тадбиқ қилиш; ишлатилаётган техникани такомиллаштириш; хўжалик жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш; сотилаётган маҳсулотларнинг даражасини ошириш ва ҳакозо.

Юқоридагиларни умумлаштириб, олинадиган даромадни ошириш йўллари куйидаги усулда тизимга солиш мумкин.

Шу тариқа уч тарафлама йўналтирилган даромад ошириш йўллари шаклланади: нақд пул ва даромад (корхона активлари)га йўналтириш, капиталдан фойдаланиш (актив манбаланинг ўзгариши)га йўналтириш ва ишлаб чиқариш - (бозор сегментига жорий қилиш, корхонани ривожлантириш) потенциалини ривожлантиришга йўналтириш. Захираларнинг ўсиши деярли тугамайди. Излашда банд бўлган турли хил касб ва мутахассисликдаги ишчилар сони қанча кўп бўлса улар янада тўлиқликроқ намоён булади. Бундан корхонадаги барча ходимларни даромадни ўсиши захирасини излашга жалб қилиш зарурати келиб чиқади. Олинаётган даромаднинг ўсиш захирасини топиш – ҳар қандай корхонани кризис жараёнини олдини олиш учун биринчи даражали аҳамиятга эга.

Корхона даромадларини ошириш бўйича тавсиялар қуйидаги 7. расм келтирилган.





#### 7. расм Корхона даромадларини ошириш йўллари

3-бобдан шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки корхона даромадларига таъсир этувчи омиллар ва даромадни ошириш йўллари кўриб чиқдик. Даромадга ички ва ташқи омиллар таъсир қилган бўлиб, ишлаб чиқариш хажмини ошириш ва махсулотни реализация қилиш, махсулот сифатини ошириш, сотиш нархларини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларни камайитиш орқали таъсир қилади. Чиқариш харажатлар рентабеллиги йилдан йилга пасайиб кетган, яъни 2014-йил 2012 йилга нисбатан 4.73 тийинга , 2013 йилга нисбатан 1.46 тийинга ўзгарган. Бу эса ўз навбатида 1 сўм харажатдан оладиган фойда миқдорини пасайиб кетганидан далолат беради.

## Хулоса ва таклифлар

Хар бир корхона уз фаолиятини олиб боришидан асосий мақсад бу-фойда олишдир.

Корхонанинг асосий иқтисодий кўрсаткичларини, молиявий ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар таҳлилига кўра қўйидагиларни хулоса қилиш мумкин. “Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК қўйидаги хизматларни амалга оширади: тепловозлар, вагонлар, электровозлар ва бошқа темир йўл техникасини таъмирлаш, модернизациялаш ва хизмат муддатини узайтириш; темир йўл вагонларини қуриш; ҳаракатдаги темир йўл таркибларини капитал ва жорий таъмирланишини амалга ошириш учун захира қисмларини ишлаб чиқариш, ҳаракатдаги таркибларни модернизациялаш, темир йўлларни таъмирлаш; янги техникалар ва ностандарт ускуналар тайёрлаш; янги ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ташкил қилиш; қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга ошириш; юк кўтарувчи кранларни, қурилмаларни ва кран ости йўлларини таъмирлаш, йиғиш, созлаш; юк кўтарувчи қурилмаларни ва унинг қисмларини тайёрлаш ва синовдан ўтказиш; бино ва иншоотларни тўлиқ таъмирлаш.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УК нинг асосий фаолияти билан танишиб чиқдик. Ходимлар сонини кўрадиган бўлсак, 3 йил давомида қисқаришни кўришимиз мумкин. Жами ишлаб чиқаришда банд бўлган ходимлар 2014-йилда 2012-йилга нисбатан 328тага камайган. Сабаби иш ҳажми камайган бўлса ишчи кучи контингенти қисқариши вужудга келади. Корхона иқтисодий кўрсаткичларини кўрадиган бўлсак, жами тепловозлар 2014-йилда 2012-йилга нисбатан 31тага камайган сабаби бир тарафдан кўрсатилган хизмат сифати бўлса иккинчи тарафдан иш ҳажмини камайиши. Корхона даромадларини кўриб чиқадиган бўлсак, маҳсулот иш хизматлар сотишдан тушган соф тушум 2012-йилга нисбатан 2014-йилда 2 742 186 минг сўмга камайган. Асосий

фаолиятнинг соф фойдаси эса 2012-йилга нисбатан 2014-йилда 3 335 812 минг сўмга камайган. Шу хисобларни инобатга олган ҳолда ҳисобот даврининг соф фойдаси 2012-йилга нисбатан 2014-йилда 3 397 697 минг сўмга камайган , албатта бу корхона учун салбий ҳолатдир.

“Ўзтемирйўлмаштаъмир” УКнинг бухгалтерия ҳисоби корхона ҳисоб сиёсатига амал қилган ҳолда иш юритади. Шунга кўра даромадлар ҳам корхонада ўзининг ишчи ҳисобларига эга. Корхона даромадларини ҳисобга олишда 9000, 9300, 9500 ҳисоб варақалардан фойдаланилади .Ҳисобот даври охирида юқоридаги ҳисобларнинг кредит оборотлари якуний молиявий натижага ўтказилади, яъни Кт-9910 «Якуний молиявий натижа» ҳисоб варағига.

корхона даромадларига таъсир этувчи омиллар ва даромадни ошириш йўллари кўриб чиқдик. Даромадга ички ва ташқи омиллар таъсир қилган бўлиб, ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва маҳсулотни реализация қилиш, маҳсулот сифатини ошириш, сотиш нархларини ошириш ва ишлаб чиқариш харажатларни камайтириш орқали таъсир қилади. Чиқариш харажатлар рентабеллиги йилдан йилга пасайиб кетган, яъни 2014-йил 2012 йилга нисбатан 4.73 тийинга , 2013 йилга нисбатан 1.46 тийинга ўзгарган. Бу эса ўз навбатида 1 сўм харажатдан оладиган фойда миқдорини пасайиб кетганидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, қуйидаги тавсиялар ишлаб чиқилди.

- корхона соф фойдасини пасайиб кетишига молиявий фаолият харажатларининг 2013 йил 2012 йилга нисбатан 5 баровар, 2014 йил 2012 йилга нисбатан 4 баровар таъсир қилганлиги сабабли молиявий фаолият харажатларини камайтиришга эътибор қаратиш.
- харажатларни камайтириш, активлардан самарали фойдаланиш ва меҳнат унумдорлигини ошириш орқали даромадни оширишга олиб келади.

- асосий фаолиятдан ташқари қўшимча даромад олиш манбаларини, яъни ёрдамчи қўмакчи фаолиятни корхона эҳтиёжлари билан чегараланиб қолмасдан кенгайтириш.

#### Фойлаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида”ги қонуни.-Т.: 15.04.1999 й.
2. Ўзбекистон Республикасининг Темир йўл транспортига оид қонуний меъёрий ҳужжатлар.
3. Ўзбекистон Республикаси “Бухгалтерия тўғрисида” ги Қонуни.-Т.:1996 й.
4. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси -Т.: 2014 й.
5. “Маҳсулот (ишлар, хизматлар) ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида” Низом Т.:1999, 2004, 2010 йй.
6. ЎзбекистонПрезидентиИсломКаримовнингмамлакатимизни 2014 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2015 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузаси” 16 январ 2015 йил.
7. А.П. Красов. «Бухгалтерский финансовый учет на железнодорожном транспорте» -М.: Транспорт, 2008 г.
8. Бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақалари режаси -Т.:2010 й.
9. А.Каримов, Ф.Исломов, А.Авлоқулов, “Бухгалтерия ҳисоби” -Т.: 2004 й.
- 10.Э.А.Акрамов, “Корхоналарнинг молиявий ҳолати” Молия-Т.: 2004 й.
- 11.Н.И.Силаев “Темир йўл транспорти молияси” -Т.: 2004 й.
- 12.Н.И. Силаев, Ф.К.Абдуллаева “Анализ хозяйственной деятельности предприятий железнодорожного транспорта” -Т.: 2010 г.
- 13.М.Умаров “Бухгалтерия ҳисоби” Т-2005 й.
- 14.Вахобов А.А. “Молиявий таҳлил” -Т.: 2005 й.
- 15.Гулямова Ф.Г. “Самоучитель по бухгалтерскому учёту”-Т.:2008 г

- 16.buhgalteria.ru - Режим доступа: <http://www.tmnlib.ru>
- 17.cfin.ru - Режим доступа: <http://www.tmnlib.ru>
- 18.consulting.ru - Режим доступа: <http://www.tmnlib.ru>
- 19.dis.ru - Режим доступа: <http://www.tmnlib.ru>
- 20.gaap.ru - Режим доступа: <http://www.tmnlib.ru>
- 21.pravcons.ru - Режим доступа: <http://www.pravconsul.ru/publ.php>